Куч — адолатда

2011 йил,
3 февраль,
пайшанба
№ 5 (311)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Юрт равнақи, муносиб ҳаёт даражаси

тадбиркорлик ривожи туфайли таъминланмоқда

Мамлакатимизда бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, катта аҳамияти билан давлат ва жамият ривожида алоҳида ўрин эгаллайди.

Шу боис ҳам мамлакатимизда тадбиркорларга, ўз бизнесини очиш орқали аҳолини иш билан таъминлаётган, иқтисодиётимизни юксалтиришга ҳисса қўшаётган ишбилармонларга катта эътибор берилиб, улар учун кенг имкониятлар яратилаётир. 2011 йилнинг **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** деб эълон қилингани ҳам ана шу эътибор ифодасидир.

Ўтадиган йилда бошқа йиллардаги каби ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий базанинг такомиллаштирилиши жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялашнинг устувор мақсад ва вазифаларини тўлақонли рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, чет эл фуқаролари, нодавлат ташкилотларнинг мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришларга бефарқ эмаслиги қувонарли ҳолдир. Жумладан, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида Навоий вилоятида чет эл инвесторлари сони 1,5 бараварга ошганлиги фикримизнинг яққол исботидир. Бундай ҳолатни Тошкент, Самарқанд ва Наманган вилоятларида хорижий инвесторларнинг сони кўпайганлигида ҳам кузатишимиз мумкин.

Бу шуни англатадики, дунёнинг илғор, ривожланган мамлакатларида ҳозирги кунга келиб солиқ юкининг катталиги, валюта қийматининг кескин пасайиб, ўзининг ликвидлигини йўқотаётганлиги, ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан талабнинг йўқлиги натижасида ушбу минтақадаги тадбиркорлар ўзларига инвестиция киритиш учун қулай бўлган давлатларни чуқур ўрганган ҳолда танламоқдалар.

(Давоми иккинчи бетда)

Спорт мусобақаларида кишининг нафақат жисмоний тайёргарлиги, балки иродаси, саботу матонати ҳам синовдан ўтади. Кучли иродага эга, маънан юксак спортчилар ғалабани ҳалол йўл билан қўлга киритишади. Шу маънода ғалабанинг асосий негизи ҳалоллиқдадир, десак муболаға бўлмайди. Халқимиз азалдан ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида, шу жумладан, спорт беллашувларида ҳам ҳалоллик тарафдори бўлиб келган. Миллий спортимиз – курашда ҳам полвонлардан биринчи галда ҳалоллик, рақибга нисбатан ҳурмат талаб этилади. Айтиш мумкинки, бугун халқаро спорт майдонларида ғолибликни қўлга киритаётган юртдошларимиз, яъни марду майдон аждодларимизнинг муносиб ворислари учун ҳалол йўл билан курашиш, ғирромликка йўл қўймаслик, шаънига доғ туширмаслик энг асосий маънавий мезондир.

Yangi qonun mohiyati

Орият ва мардлик майдони

бунда фақат шижоат ва ҳалолликка ўрин бор

Шу ўринда нега спортда ҳалоллик ҳақида кўп гапирилаяпти, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, спортда ҳам ғирромлик қиладиган, қандай йўл билан бўлмасин, биринчи ўринни эгаллашни истайдиган, рақибига кутилмаганда панд беришдан тоймайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Айниқса, энг юқори натижага эришиш учун сунъий воситалардан фойдаланадиган кимсалар ҳам йўқ эмас. Халқаро қонунчиликда ушбу масала ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган бўлиб, яқинда, аниқроғи, 2010 йилнинг 4 декабр куни Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган **"Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилиш ҳақида"**ги қонун мамлакатимизда ҳам бу борадаги қонунчилик асослари янада такомиллаштирилаётганининг амалдаги тасдиғидир.

Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро Конвенция, энг аввало, допинг қўллашнинг олдини олишга ва допингни йўқотиш мақсадида унга қарши курашишга халқаро жамоатчилик эътиборини жалб этишни назарда тутади. Ушбу конвенция умуммажбурий характерга эга бўлган биринчи халқаро юридик ҳужжатдир.

Маълумки, ушбу халқаро ҳужжатни ишлаб чиқиш таклифи 2003 йилнинг январь ойида Париж шаҳридаги ЮНЕСКО бош қароргоҳида бўлиб ўтган аъзо давлатлар спорт ишлари вазирларининг давра суҳбати кун тартибига киритилган эди. Давра суҳбатида 103 мамлакатдан 360 нафар вакил иштирок этган.

(Давоми учинчи бетда)

Islohot va samara

Суд мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш жараёнида судлар мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Зеро, бундай саъй-ҳаракат одил судловни амалга оширишга хизмат қилади.

Бу борада миллий қонунчилик асослари мустаҳкамлангани, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида судлар мустақиллиги, фақат қонунга бўйсуниши эътироф этилгани муҳим аҳамият касб этаётир. Аниқроқ килиб айтганда, Конституциямизнинг 112-моддасида қайд этилганидек, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьялар дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Судлар мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигининг моҳияти шундан иборатки, суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларига бўйсунади.

(Давоми иккинчи бетда)

Dolzarb mavzu

Табиий экотизим муҳофазаси

аҳоли саломатлигига хизмат қилади

Маълумки, табиий экотизимни муҳофаза қилиш аҳоли саломатлиги, иқтисодиёт барқарорлигида муҳим ўрин тутади. Шу боис атроф-муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамиша долзарб аҳамиятга молик.

Зеро, Президентимиз "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номли асарида таъкидлаганидек, табиат ва инсон ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши экологик фожиаларга сабаб бўлади.

Шу боис табиат қонуниятларини билиш ва уларга амал қилиш зарур. Айни жараёнда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш жараёнида юзага келадиган мураккаб экологик-ҳуқуқий муносабатларни ҳал этишда қонунчилик ҳужжатларининг аҳамияти жуда катта.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"** номли маърузасида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу Концепциядан келиб чиқиб, ҳозирги кунда **"Экологик назорат тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш ва бошқа экологик муаммоларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, шу жумладан, фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органлари иштирокининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, уларнинг табиатни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги муҳим давлат дастурлари ва бошқа экологик муаммоларни ечишдаги ролини аниқлаш масалалари ўрин олган.

Мазкур қонун лойиҳаси депутатлар ташаббускор гуруҳи томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари аъзолари, мутасадди вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар экспертлари, олимлар ва жамоатчилик вакилларидан иборат 28 кишилик таркибдаги ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилди.

Айтиш жоизки, 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги қонун мустақилликка эришилгандан сўнг ушбу йўналишда қабул қилинган дастлабки қонунчилик ҳужжати ҳисобланади.

(Давоми иккинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Кафиллик шартномаси

у қарздор ва кафил зиммасига қандай мажбуриятлар юклайди?

Фуқаролик қонунчилигида томонлар ўртасидаги муносабатлар шартнома билан кафолатланиши белгилаб қўйилган. Бу эса мажбуриятларнинг лозим даражада адо этилиши томонлар манфаатига хизмат қилишини кўрсатади. Табиийки, бунда мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга хизмат қилувчи омиллар: неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкидан ушлаб қолиш, кафолат, закалат каби усуллар муҳим ўрин тутади. Кафиллик шартномаси ҳам ана шундай воситалар сирасига киради.



(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётир. Бунинг ижобий самараси ўлароқ бугунги кунда тадбиркорлик соҳаси иқтисодиётимизнинг таянч устунларидан бирига айланди.

Bag`rikenglik tamoyillari

Вояга етмаганлар муҳофазаси

бу борада алоҳида ҳуқуқий мезонлар белгиланган

Инсон ҳаётини табиатга муқояса қилиш мумкин. Масалан, ниҳол боғбоннинг тинимсиз меҳнати, парвариши билан келажакда азим чинорга айланса, бола ҳам тўғри тарбия олганидан сўнггина дунёқараши кенг, ўзининг мустақил фикрига эга инсон, бир сўз билан айтганда, баркамол инсон бўлиб вояга етади.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, турли омиллар туфайли ҳуқуқбузарлик содир этган ёки жиноят кўчасига кирган баъзи ёшларни тўғри ҳаётга йўллаш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Шуниси муҳимки, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида вояга етмаганлар ҳуқуқини муҳофаза қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан қонунчиликда жиноий қилмишга қўл урган ўсмирнинг ижобий томонга ўзгариши, вақти келиб жамиятдан ўз ўрнини топишига ёрдамлашиш сингари инсонпарварлик тамойилларига кенг ўрин берилган.

Хусусан, Жиноят кодексининг 85-моддасида «Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи қатта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди» деган меъёр қатъий белгиланган. Ёки вояга етмаган ўсмирга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда суд томонидан судланувчига шартли жазо белгилаш тартиби жорий этилди.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тарбия колонияларида ўташнинг белгиланиши вояга етмаган шахснинг ўз хатосидан хулоса чиқариб, тўғри йўлга тушиб олишига яратилган имкониятдир, десак муболаға бўлмайди. Чунки биринчи марта жиноят содир этган, қилмишидан пушаймон бўлган вояга етмаган шахс ҳар қандай ғайриқонуний қилмишнинг оқибати жазосиз қолмаслигини, жиноят учун жазо муқаррарлигини тушуниб етади.

Жиноят қилиб, сўнг қилмишидан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига ўтган шахслар учун қонунчиликда кўзда тутилган енгилликлар ҳақида гап кетганда, Жиноят кодексининг 66[1]-моддасига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Маълумки, жабрланувчи ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар бўйича судланувчи билан ярашса, иш юритувдан тугатилади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Saboq

Имтиёз замиридаги масъулият

мажбуриятларни тўлиқ адо этишни тақозо қилади

Тадбиркорлар учун яратилган имтиёзларнинг тури кўп. Масалан, банклардан қисқа ва узоқ муддатли кредит маблағларининг ажратилаётганлиги тадбиркорлар учун янгидан-янги имкониятлар манбаи бўлмоқда, десак хато қилмаймиз. Зеро, омилкорлик билан иш юритиб, фаолият доирасини кенгайтираётган, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзига, балки бошқалар учун ҳам фойда келтираётган тадбиркор юртдошларимиз кўп. Айтиш керакки, бундай ютуқларнинг замирида қонунга риоя қилиш, мажбуриятларни ўз вақтида адо этиш, билдирилган ишончни оқлашдай хислатлар мужассамдир.

(Давоми учинчи бетда)

Munosabat

Юрт равнақи, муносиб ҳаёт даражаси

тадбиркорлик ривожи туфайли таъминланмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Юртимизда тадбиркорларга катта эътибор берилаётганлиги, фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратилаётганлиги боис уларнинг сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Юртбошимиз томонидан аниқ белгилаб берилган бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларининг биринчиси — иқтисоднинг сиёсатдан устунлигидир. Бу тадбиркорликка бўлган эътибор давлат сиёсати даражасида эканлиги ҳамда бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 53 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилганлиги соҳадаги чуқур ва самарали мақсадларни кўзлаб олиб борилаётган ислоҳотларнинг аниқ самарасидир.



Айни пайтда, Президентимиз таъкидлаганидек, **«Босиб ўтган йўлимизни ва мамлакатимизнинг дунёда содир бўлаётган туб ўзгаришлар жараёнида тутган ўрнини холис ва танқидий баҳолар эканмиз, биз эришган ютуқларимизга маҳлиё бўлиб қолмаслигимиз, ортиқча ҳаволаниш ва хотиржамлик туйғусига берилмаслигимиз зарур».**

Дарҳақиқат, бугун биз яшаётган глобаллашув ва тобора кучайиб бораётган рақобат асрида фақат чуқур ислоҳотлар ва модернизация йўлидан қатъият билан ривожланиб бориш натижасида ўз олдимизга қўйган истиқболли мақсадларга — тараққий этган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга эриша оламиз.

Мазкур белгилаб берилган йўналишларни мустаҳкамлаб бориш мақсадида, Вазирлар Маҳкамаси томонидан **«2010 — 2012 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари Дастури»** қабул қилинди ва ушбу Дастур саноат ишлаб чиқариши, хизматлар ва сервис соҳасида янги кичик бизнес корхоналари ташкил этиш параметрларини ҳамда хизматлар ва сервис соҳасида кичик бизнесни, шунингдек, бандлик йўналишлари бўйича касаначиликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш параметрларини ўз ичига олади.

Шу билан бирга, республикамизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун янада қулай шарт-шароитларни таъминлаш, хорижий инвестицияларни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмини барпо этиш, мана шу асосда мамлакатдаги инвестицион муҳитни янада яхшилаш учун солиқ, божхона ва банк қонунчилиги, ташқи иқтисодий фаолият, давлат бошқаруви ва ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатлар ва бошқалар юзасидан тегишли меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинишини назарда тутувчи лойиҳалар тайёрланаётганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Бундан ташқари жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан яна бир қатор қарорлар қабул қилинмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда тадбиркорликнинг янада ривож топишига, пировардида халқимиз фаровонлиги, Ватанимиз тараққиётига хизмат қилади.

Дилдора ЗОКИРОВА,
ҳуқуқшунос

Fuqarolik qonunchiligi

Кафиллик шартномаси

у қарздор ва кафил зиммасига қандай мажбуриятлар юклайди?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахснинг мажбуриятини тўлиқ ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади. Фуқаролик кодекси талабига кўра, қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар (шерик) ва субсидиар (қўшимча) жавобгар бўлиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 324-моддаси 1-қисмига асосан, қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт. Қарздорлар шерик бўлиб мажбурият олганида кредитор ҳамма қарздорлардан мажбуриятни солидар бажаришни ёки уларнинг ҳар биридан алоҳида-алоҳида бажаришни, шунингдек, қарзни тўлиқ ёки бир қисмини қоплашни ҳам талаб қилишга ҳақли. Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, даъвогар фуқароларни чет элда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги Тошкент минтақавий бюроси даъво аризасида жавобгарлар: стажёр Н. Бекмуродов ва кафил А. Абдураҳмонов ўртасида Корея Республикасида ишга жойлаштириш учун хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилганлигини, ушбу шартноманинг бажарилишини таъминлаш мақсадида бюро, стажёр ва кафил ўртасида кафиллик шартномаси тузилганлигини, стажёр бюро билан тузилган шартнома шартларини бузиб, Ўзбекистон Республикасига муддатидан олдин қайтиб келганлигини, бюро ва стажёр ўртасида тузилган шартномага кўра, стажёр ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, унинг зиммасига Корея Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима тўлаши; бюро ва кафил ўртасида имзоланган кафиллик шартномасига биноан эса, стажёр ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, кафил шартнома бўйича барча мажбуриятларни ўз зиммасига олиши белгиланган баён этилади. Шунга мувофиқ, бюро томонидан стажёр Нодирбек Бекмуродов ва кафил Абдувоҳоб Абдураҳмонов шартнома шартларини бузганлиги учун солидар тартибда жавобгар бўлишини, улардан бюро фойдасига 2.105.721 сўм миқдорида жарима ундириб бериш сўралган. Суд келтирилган даъво аризасини асосли деб топиб, ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантирди.

Кафилнинг ҳуқуқларига кредиторнинг талабига қарши қарздор билдириши мумкин бўлган ҳамма эътирозларни қўйиш ҳуқуқи ҳам киради. Ҳатто қарздор эътирозларидан воз кечган ёки мажбуриятини тан олган тақдирда ҳам кафил ушбу эътирозларга бўлган ҳуқуқини йўқотмайди. Агар кафилга нисбатан даъво қўзғатилган бўлса, у қарздорни ишда иштирок этиш учун жалб қилиши шарт. Акс ҳолда қарздор кредиторга қарши ўзининг барча эътирозларини кафилнинг қарши талабига қарама-қарши қўйиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мажбуриятни бажарган кафилга кредиторнинг ушбу мажбурият бўйича ҳуқуқлари ҳамда гаровга олувчи сифатида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқлар кафил кредиторнинг талабини қанча ҳажмда қаноатлантирган бўлса, шунча ҳажмда ўтади. Кафил кредиторга тўланган суммага фоизлар тўлашни ва қарздор учун жавобгарлик муносабати билан кўрган бошқа зарарини тўлашни қарздордан талаб қилишга ҳақлидир.

Кафил мажбуриятни бажарганидан кейин кредитор қарздорга бўлган талабни тасдиқловчи ҳужжатларни кафилга топшириши ва бу талабни таъминлайдиган ҳуқуқларни бериши шарт.

Масалан, даъвогар фуқароларни чет элда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги Тошкент минтақавий бюроси жавобгарлар: қарздор Денис Ким ва кафил Қодир Тошматовдан солидар тартибда 5.627.359,32 сўм жаримани ундириб беришни сўраган. Мазкур жарима жавобгарлар томонидан тўлиқ тўланганлиги сабабли кредитор даъвосидан воз кечган. Суд аризани ўрганиб чиқиб, ушбу фуқаролик иши бўйича иш юритувини тугатиш ҳақида ажрим қабул қилган.

Қонунчиликда кафилликнинг бекор бўлиш асослари ҳам белгиланган. Жумладан, кафиллик билан таъминланган мажбурият бекор бўлгач, шунингдек, ушбу мажбурият кафилнинг розилигисиз жавобгарликнинг ошишига ёки унинг учун бошқа ноқулай оқибатларга олиб келадиган тарзда ўзгартирилган тақдирда, кафиллик бекор бўлади. Шунингдек, кафиллик билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилганида, агар кафил янги қарздор учун жавобгар бўлиш ҳақида кредиторга розилик берган бўлмаса, шунингдек, кафил таъминланган мажбуриятни бажариш муддати келганида кредитор қарздор ёки кафил таклиф қилган тегишли ижрони қабул қилишдан бош тортганида ҳам кафиллик бекор бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, кафиллик шартномаси мажбуриятларнинг бажарилишида ишонч вазифасини ўтайди. Бинобарин, бундай шартномада белгиланган бурч ва мажбуриятларнинг тўлиқ адо этилиши ўзаро ишонч туйғусини янада мустаҳкамлайди, қолаверса, шартнома тузишдан кўзланган мақсад-муддаоларга ҳам эришилади.

Ш.ТОШМИРЗАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Қўрғонтепа туманлараро судининг раиси

Islohot va samara

Суд мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида



Бу эса, шубҳасиз, судьялар томонидан фуқаролик, хўжалик, маъмурий ва жиноят ишлар бўйича объектив, холисона, мустақил, ҳеч кимнинг аралашувисиз қарорлар қабул қилиш имкониятини яратади.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминловчи муҳим кафолатлардан яна бири бу — суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийлигидир. Жумладан, судьялар ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаб, жиноят, фуқаролик, хўжалик ёки маъмурий ишларни кўриш давомида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, жамоалар ёки мансабдор шахслар томонидан ушбу сабаб ва шароитларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилувчи ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва қонунбузарликларни профилактика қилишга жамоатчиликни жалб этиш мақсадида хусусий ажрим, қарор ёки тақдимномалар чиқарадилар. Ушбу суд ҳужжатлари **"Судлар тўғрисида"**ги қонуннинг 5-моддасига биноан ижро этилиши шарт. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 181-моддасига кўра, суднинг хусусий ажрими, қарорини мансабдор шахснинг кўриб чиқмаслиги ёки унда кўрсатилган қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик, шунингдек, хусусий ажримга ўз вақтида жавоб бермаслик жарима солишга, яъни маъмурий жазо белгилашга сабаб бўлади.

Шу билан бирга, қонунчиликда суд ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги тақдимномани ҳам давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахс зарур чораларни кўриши учун юбориши белгиланган. Аммо қонунчиликда суд тақдимномасини бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланмаган. Шунга кўра **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 181-моддасида жамият ҳаётида профилактика ролини ошириш мақсадида судлар томонидан чиқарилган хусусий ажрим (қарор) бўйича чора кўрмаслик билан биргаликда судларнинг тақдимномасини бажармаслик ёки вақтида жавоб бермаслик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутиш таклиф этилмоқда.

Бундан ташқари амалдаги қонунчиликка асосан фуқаролик ишлари бўйича судлар судга ҳурматсизлик қилган ёки процессуал мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган шахсга нисбатан маъмурий жазо қўллаш ваколатига эга эмас. Бундай ҳолатларда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан ашаддий тартиб бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган таъсир чоралари кўпинча уларни суд мажлисидан четлатиш билангина кифояланиб қолмоқда. Шу билан бирга, суд мажлисида тартибни бузган шахсларга нисбатан маъмурий жазо чораларини қўллаш тартиби жиноят-процессуал қонунчилигида анча мукаммал тартибга солинган.

Фуқаролик процессуал кодексида эса судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, шунингдек, уни менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатларга тезкор муносабат билдириш ҳамда суд мажлиси давомида жавобгарлик чораларини кўриш тўғрисидаги меъёрлар белгиланмаган. Айнан ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида ушбу қонун лойиҳаси билан фуқаролик ишлари бўйича судларга маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш ҳуқуқи берилмоқда.

Яъни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 242-моддаси билан белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатга эга органлар қаторига фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳам киритилмоқда. Шунга кўра, ушбу кодексга 245-4-модда киритилиши кўзда тутилмоқда. Унда эса фуқаролик ишлари бўйича судлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 180-моддасида (Судга ҳурматсизлик қилиш) ва 181-моддасида (Суднинг хусусий ажрими (қарори) ёки тақдимномаси бўйича чоралар кўрмаслик) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳасини қабул қилиниши юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарликларга бевосита суд мажлисида тезкор муносабат билдириш имкониятини яратади. Шу билан бирга жиноят ва фуқаролик процессларида судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиш ва тартибни бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш меъёрлари янада такомиллашади.

Бу каби чора-тадбирлар ўз навбатида суд ҳокимиятининг мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дилбар ХОЛИҚОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Dolzarb mavzu

Табиий экотизим муҳофазаси

аҳоли саломатлигига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айни пайтда мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш борасида 20 дан ортиқ муҳим қонунлар, юзлаб қонуности ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Ушбу янги қонунда табиатни муҳофаза қилиш бўйича масъул давлат назоратини ўрнатувчи идоралар, шунингдек, табиатни муҳофаза қилувчи давлат ва бошқа идоралар рўйхати белгилаб берилган.

Дунёнинг етакчи мамлакатлари, шу билан бирга МДҲ давлатларининг мазкур соҳадаги қонунчилик ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу мамлакатларда қабул қилинган қонунлар экологиянинг кўплаб жабҳаларини қамраб олиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг барча бошқарув тизимларининг тўлақонли фаолиятини ва жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлайди.

Тараққий этган давлатлар ҳисобланган АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларнинг ривожланиши-да, шу давлатларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилиги шаклланишида жамоат экологик ташкилотларининг ўрни катта.

Польша, Венгрия, Словакия, Чехия каби Марказий ва Шарқий Европадаги давлатларда атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунчилик анча ривожланган. Баъзи мамлакатлар, масалан, Малайзия, Янги Зеландия, Филиппинда эса атроф-муҳит муҳофазаси бўйича қонунлар мажмуи — экологик кодекслар қабул қилинган. Бу давлатларда қабул қилинган қонунлар экологиянинг барча жабҳаларини ўзида акс эттириб, атроф-муҳит муҳофазасини ҳар томонлама мувофиқлаштиришни ва унда жамоатчиликнинг кенг иштирокини кўзда тутади.

Мамлакатимизда ҳам нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг, жамоатчилик тузилмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётир. Уларнинг атроф-муҳит муҳофазасига оид масалаларни ҳал этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги ролини кучайтириш жамоатчилик экологик назорати самарадорлигини таъминлашга йўл очади.

Ушбу янги қонун лойиҳасининг муҳим жиҳатлари шундан иборатки, у атроф табиий муҳитни ифлослантиришга, шунингдек, фуқаролар ҳаёти ва саломатлигига хавф солиши мумкин бўлган вазиятларни кузатиш, олдиндан огоҳлантириш каби назоратнинг самарали тизимини яратади. Экологик назорат (шу жумладан, жамоатчилик назорати)ни амалга ошириш тизимини мукаммаллаштириш, ривожлантириш ва кучайтириш имконини беради. Экологик назорат соҳасида вакиллик органларининг назорат қилувчи фаолиятини ўзаро ҳамкорлик асосида олиб бориш ва мувофиқлаштиришни ташкил этиш механизмини яратади. Идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назоратининг самарадорлигини оширади.

Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси аҳоли учун муносиб яшаш шарт-шароитини янада яхшилаш, саломатлигини муҳофазалаш тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Энг муҳими, юртимизнинг экологик жиҳатдан мусаффолиги таъминланади.

Олимжон ЎСАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Маълумки, ҳаётда фақат ҳалол йўл, пешона тери билан топилган бойлик кишига хотиржамлик бағишлайди. Шу боис ҳам донишмандлар «Нафсни енгишдан вужуд жафо тортади, аммо бундан кўнгил сафо топади», деб уқтиришган.

Jinoyat va jazo

Қийиғи чиққан

Ҳаётда баъзан нафсининг йўриғига кириб, ўзганинг ҳақидан тап тортмайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Масалан, Арнасой тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи лавозимига ишга тайинланган Зокир Ибрагимовга аввал-бошда катта ишонч билдирилган эди. Маълумки, санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари туман аҳолиси орасида турли хил юқумли касалликлар профилактикасини олиб бориши, овқатдан, ичимлик сувидан заҳарланмаслик, мактаб, мактабгача тарбия муассасалари, коллежлар, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, жамоат жойларининг санитария-гигиена талаблари даражасида бўлиши назоратини юритиши керак. Демак, марказ раҳбари ва унинг қўл остидаги ходимлар учун иш ҳам кўп, масъулият ҳам катта. Фақат ишни ўз ўрнида олиб бориш керак. Таассуфки, Зокир Ибрагимов марказга раҳбар этиб тайинлангач, орадан кўп ўтмай оёғи ердан узила бошлади.

У ҳузурига иш сўраб келган, зарур ҳужжатларни тақдим этган Ш. Эсиргаповани 2007 йил 29 декабрдан марказнинг орттирилган иммунитет танқислиги синдроми бўлими мудири ёрдамчиси вазифасига ишга қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқаради. Лекин негадир Ш. Эсиргаповага бу ҳақда лом-мим демайди. Тўғрироғи, бу «сир» кўп ўтмай ошкор бўлди. Унинг номига 2008 йилнинг 1 январидан 2010 йилнинг 1 майига қадар ёзилган иш ҳақини... бош врач ўзининг чўнтагига уради. Бунинг учун у марказ бош ҳисобчиси Тоҳир Исматов ва хазиначи Илҳом Қудратов билан жиноий тил бириктиради. Шу тариқа улар 1 миллион 661 минг 628 сўм давлат бюджети маблағини ўзлаштириб юборишади.

Р. Суярова вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати марказида ҳисобчи вазифасида ишлайди. Арнасой маркази билан Жиззах шаҳри оралиғи олтмиш километрдан кам эмас. Бинобарин, бир вақтнинг ўзида ҳам вилоят марказида, ҳам Арнасой туманида ишлаш имконияти йўқ. Буни қарангки, З. Ибрагимов қоғозда бу муаммонинг ҳам «уддасидан чиқади».

У Р. Суярованинг туманга келиб ишлай олмаслиги, маълумоти ҳам тўғри келмаслигини била туриб, уни 2008 йил 1 ноябрдан санитар-врач вазифасига ишга қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқаради. Унинг номига 2010 йилнинг 1 майига қадар жами 2 миллион 33 минг 513 сўм иш ҳақи ёздиради.

Жиноий тил бириктирган З. Ибрагимов, Т. Исматов ва И. Қудратов тўлов қайдномаларига Р. Суярованинг имзосини ўзлари қўйиб, ҳисобланган иш ҳақининг 1 миллион 100 минг сўмини унга беришади. Қолган 933 минг 513 сўмни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборишади.

З.Ибрагимовнинг «тантилиги»дан Р. Соатов ва А. Сафаров ҳам қуруқ қолишмайди. Яъни А. Сафаров врач-лаборант, Р. Соатов эса санитар-врач эпидемиолог вазифасига «ишга тайинланади». Ўн етти ой давомида уларнинг иккаласига жами 7 миллион 356 минг 704 сўм иш ҳақи ёзилади. Ана шу пулдан ҳар бирига 450 минг сўмдан берилиб, «Туя кўрдингми, йўқ» қабилида оғизлари ёпилади. Қолган 6 миллион 456 минг 704 сўм эса З. Ибрагимов ва унинг шерикларининг чўнтагига тушади.

Ўрганган кўнгил ўртанмай қўймас экан. Шунча қинғирликлардан сўнг ҳам нафси тийилмаган З. Ибрагимов мўмай даромад орттириш имконияти туғилишини кутиб яшайди. Кутилмаганда шундай вазият юзага келади. Эпидемия бўлими мудири ва эпидемиолог врач вазифасида ишлаб келаётган О. Худойқулов 2008 йилнинг 18 ноябридан «Бобур» маҳалла фуқаролар йиғинига раис этиб сайланади.

Yangi qonun mohiyati

Орият ва мардлик майдони

бунда фақат шижоат ва ҳалолликка ўрин бор



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Спортда допингга қарши кураш бўйича халқаро конвенция лойиҳаси 95 та мамлакат вакиллари иштирокида тайёрланган бўлиб, у 2005 йил октябрь ойида Париж шаҳрида қабул қилинди ва 2007 йилнинг 1 февралидан кучга кирди.

Аввало, «Допинг бу нима?» — деган саволга жавоб бериш лозим. Допинг инглизча "dope" сўзидан олинган бўлиб, спортда суньий йўл билан ғайратни оширувчи модда, восита деган маънони англатади. Яъни баъзи спортчилар яхши натижаларни қайд этиш мақсадида фойдаланадиган суньий кучлантирувчи ва чидамлиликни оширувчи модда ёки воситалардир. Бу, албатта, энг биринчи галда, ғирромлик ҳисобланса, иккинчидан, допингни қўллаш инсон саломатлигига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Спорт атамашунослигида "допинг" тушунчаси XX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Замонавий Олимпия ўйинларининг асосчиси Пьер де Кубертен ўзининг 1923 йилда Рим шаҳридаги маърузасида спортни обрўсизлантирувчи ва унга ёт бўлган унсурлар спортдаги ҳалоллик ва поклик тамойилларига путур етказаётганлигини таъкидлаб, бундай усулларни кескин қоралаган эди. Бироқ халқаро жамоатчилик спортчилар томонидан допинг қўлланилиши ҳамда допингнинг инсон соғлиғига салбий таъсиридан 1960 йил Рим шаҳрида бўлиб ўтган Олимпия ўйинлари чоғида биринчи марта хабар топди. Олимпия ўйинлари чоғида велосипед пойгаси мусобақалари шу қадар иссиқ иқлим шароитида ўтган эдики, натижада аксарият спортчилар велосипедларидан қулаб тушишган. Уларнинг айримлари ҳушини йўқотган бўлса, баъзилари ҳатто дунёдан кўз юмишган. Аввалига бу нохуш воқеаларнинг асл сабаби эълон қилинмаган бўлса-да, бироз вақт ўтгач, жабрланганларнинг аксарияти қонида кучли таъсир қилувчи кучлантирувчи воситалар борлиги аниқланди.

1992 йилда тиббиёт ходимлари томонидан дунёнинг 56 та спорт федерациясида 8000 та тиббий синов ўтказилган бўлиб, шулардан атиги 69 таси ижобий натижа кўрсатган. Европа комиссияси томонидан 2002 йилда амалга оширилган тадқиқотлардан шу нарса маълум бўладики, кўпгина Европа мамлакатларида фитнес-клубларга қатновчиларнинг 6 фоизи ўз натижаларини яхшилаш мақсадида доимий равишда допинг воситаларини қабул қилар экан. Афина шаҳрида бўлиб ўтган 2004 йилги Олимпия ўйинлари чоғида спортчилар томонидан допинг қўлланилишининг рекорд натижаси қайд этилган.

Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция спортда допингга қарши курашнинг халқаро ҳуқуқий асосини таъминлабгина қолмай, глобал миқёсдаги допингга қарши меъёрларга расмий мақом бериб, барча спортчиларга спорт мусобақаларида тенг ва ҳалол имкониятлар яратишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ушбу халқаро ҳужжат иштирокчи давлатларни допингга қарши кураш масалаларига бағишланган ўқув-таълим дастурларини қўллаб-қувватлаш, ташкил қилиш ҳамда амалга оширишга даъват этади. Бундай ўқув-таълим дастурлари, энг аввало, допингнинг инсон саломатлигига ва спорт этикаси қоидаларига жиддий салбий таъсирини ҳамда конвенция меъёрларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишни назарда тутиши лозим. Шу билан бирга конвенция спортчилар ҳамда спорт соҳасида фаолият кўрсатаётган барчани допингга қарши курашда фаолликка чақиради.

Назорат ва жавобгарлик нуқтаи назаридан эса, Конвенция дунёнинг барча спортчиларининг ягона халқаро қоида ва стандартларга бўйсунишини, мунтазам равишда допинг синовларидан ўтиб туришини ва бирор-бир ноқонуний ҳаракат содир қилганлиги аниқланган тақдирда бир хил жавобгарликка тортилишини белгилаб берди. Янада аниқроқ қилиб айтганда, конвенция иштирокчи давлатларни 2003 йилда ишлаб чиқилган Умумжаҳон допингга қарши кодексида мустаҳкамлаб қўйилган тамойилларга мос равишда зарур чора-тадбирларни амалга оширишга чақиради.

Ҳеч кимга сир эмаски, спорт соҳасида юксак ютуқларга эришиш учун биринчи галда ҳалоллик, тинимсиз меҳнат, матонат, муносиб эътибор ва албатта, етарлича шароит ва моддий-техник таъминот талаб этилади. Фақатгина ушбу омиллар мужассамлашгандагина спорт соҳасида юксак чўққиларни забт этиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, бугун мамлакатимизда спорт ва жисмоний тарбия соҳасини босқичма-босқич ривожлантириш борасида аниқ мақсадларга йўналтирилган ва кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани диққатга сазовордир. Ушбу соҳани янада ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини такомиллаштириш, замонавий ва жаҳон андозаларига мос спорт иншоотларини барпо этиш, мавжудларини қайтадан таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш сингари масалаларга оид қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими шакллантирилди.

Шу билан бирга юртимизда ёшлар ва ўсмирлар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишдаги энг муҳим қадам сифатида Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги Фармони асосида ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини эътироф этиш мумкин. Мазкур жамғарма фаолиятининг самараси ўлароқ, 2003-2008 йиллар орасида 897 та спорт иншооти фойдаланишга топширилган бўлиб, бу борадаги бунёдкорлик ишлари изчиллик билан давом эттирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу спорт объектларининг 82 фоизи, яъни 735 таси қишлоқ жойларида барпо этилган. Шунингдек, спорт иншоотларининг моддий-техник баъзаси тубдан янгиланди, методик таъминот мустаҳкамланди ва профессионал мураббийлар синфи шакллантирилди.

Ёш авлодни спорт машғулотларига янада фаол жалб қилиш мақсадида мамлакатимизда «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби спорт мусобақалари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Давлатимизнинг спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги аниқ мақсадларга йўналтирилган ва кенг кўламли ислоҳотларининг самарасини бугун мамлакатимиз спортчиларининг халқаро ареналарда қўлга киритаётган ютуқларида яққол кўриш мумкин. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, мустақиллик йилларида спортчиларимиз томонидан Олимпия ўйинлари, Осиё қитъаси кубоклари ва чемпионатлари, бошқа йирик халқаро ва минтақавий спорт мусобақалари ҳамда турнирларида 6000 га яқин олтин, кумуш ҳамда бронза медаллари қўлга киритилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон турли обрўли халқаро ва минтақавий спорт мусобақаларига мезбонлик қилмоқда. Мамлакатимиз пойтахтида ҳар икки йилда бир маротаба миллий спортимиз — кураш бўйича халқаро мусобақа ўтказилиши анъанага айланди. Унда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган полвонлар куч синашишади.

Албатта, юртимизда спорт мусобақаларининг ҳалол, қоидаларга оғишмай амал қилган ҳолда ўтказилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боисдан Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг ратификация қилиниши мамлакатимизда бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳеч шубҳасиз, спорт тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашда, миллатлараро муносабатларни яхшилашда, ўзаро ҳурмат ва бирдамликни таъминлашда энг самарали воситадир. Спорт ёш авлодни тарбиялашда, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода спортга допинг қабул қилиш сингари зарарли усулларнинг кириб келиши мардлик, ҳалоллик, поклик каби фазилатларга зиддир.

Ўрни келганда яна шуни таъкидлаш жоизки, спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилиш мамлакатимиз Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига тўла мос келади. **"Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилиш ҳақида"**ги қонуннинг қабул қилиниши, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси ўзининг халқаро мажбуриятларига содиқ эканлигидан далолат беради.

Адҳам ХУДАЙҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Saboq

Имтиёз замиридаги масъулият

мажбуриятларни тўлиқ адо этишни тақозо қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Таассуфки, ҳаётда яратилаётган қулайликлардан оқилона фойдаланмасдан, давлат сармоясини ҳавога совураётган ёхуд уни ўз вақтида қайтаришни пайсалга солиб, турли важларни рўкач қилаётган кимсаларнинг ҳам борлиги ачинарлидир.

Яқинда ана шундай қарздорлик масалаларидан бири билан боғлиқ даъво аризаси судда муҳокама этилди.

Гап шундаки, Ангор туманидаги «Сурхон-экспорт» МЧЖ раҳбари Алишер Зиёқулов ёғ заводи қурилишини тугаллаш мақсадида 2006 йилда Сурхондарё вилояти АТ «Агробанк» Ангор тумани филиалидан йиллик 18 фоиз билан 45 миллион сўм кредит маблағи олишга аҳд қилади. Бунинг учун банк томонидан фуқаро Зиёдулла Чўлливевга тегишли, умумий қиймати 5 миллион 618 минг 400 сўм бўлган иккита савдо дўкони ҳамда «Сурхон-Экспорт» МЧЖга қарашли Тошкент шаҳридаги «Updek Boiler» қўшма корхонаси томонидан 2005 йилда ишлаб чиқарилган «Sanoatkontexnazorat» буғ қозонхоналари ва кўтариш иншоотларини назорат қилиш инспекцияси томонидан 9182-реестр рақами билан рўйхатга олинган «Skotch Marine» буғ қозонхонаси 28 миллион 648 минг сўмга баҳоланиб, «Сурхон-Экспорт» МЧЖ манфаати учун гаровга олинади. Шунингдек, тумандаги Жуманазар Зиёқулов раҳбарлик қилаётган «Жумахон-Ангор» фермер хўжалиги ҳисобидаги умумий миқдори 30 миллион 450 минг сўм маблағ гаровга қўйиш учун келишилиб, кафиллик шартномаси расмийлаштирилади.

Орадан бир йил ўтгач, «Сурхон-Экспорт» МЧЖ бошлиғи А.Зиёқулов банк шартномасига асосан олинган кредитни устама фоизи билан қайтара олмаслигини пайқайди. Шундан сўнг унинг аризаси, томонларнинг ҳамда банк маъмуриятининг келишувига кўра, қарзни қайтариш муддати яна икки йилга узайтирилади.

Табиийки, бу имтиёзлар ҳаволаниб кетиш учун эмас, аксинча, А.Зиёқуловнинг фаолиятини мустаҳкам йўлга қўйиб олишига кўмаклашиш мақсадида берилган эди. Буни қарангки, банк маъмуриятининг ўзига берган имкониятини «бошқача» тушунган А.Зиёқулов тўланиши лозим бўлган муддатли тўловлар фоизини яна пайсалга сола бошлайди. Шу тариқа 22 миллион 850 минг 470 сўмлик асосий кредит фоизидан атиги 8 миллион 588 минг сўми тўланади.

Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда АТ «Агробанк» Ангор тумани филиали бошқарувининг асосий кредит ва унинг фоизларини тўлаш хусусидаги огоҳлантириш хатларига эътибор бермасдан, жамият бошқаруви раиси А.Зиёқулов ҳам, бир пайтлар катта миқдордаги кредит-қарзни олишга «ҳомийлик» қилган собиқ «Жумахон-Ангор» фермер хўжалиги бошлиғи Жуманазар Зиёқулов ва Зиёдулла Чўлливев ҳам амалдаги қонунларга беписандлик билан қарашади. Устига-устак, фермер хўжаликларини йириклаштириш жараёни бошланиб, «Жумахон-Ангор» фермер хўжалиги тугатилиб, бошқа фермер хўжалигига қўшиб юборилади.

Хуллас, томонлар ўртасидаги низо узоқ вақт ўз ечимини топмай, охир-оқибат судга келиб тақалади.

Даъвогар Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармасининг АТ «Агробанк» Ангор тумани филиали манфаатини кўзлаб, судга киритган даъво аризасини атрофлича ўрганиб чиққан суд даъвони қаноатлантиришни лозим топди.

Чунки Фуқаролик кодексининг 279-моддаси 1-қисмида **«Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин»**, деб кўрсатилган.

Шунга асосан суд жавобгар «Сурхон-Экспорт» МЧЖ томонидан гаровга қўйилган «Skotch Marine» буғ қозонхонасини, қўшни Қизириқ туманида жойлашган, фуқаро Зиёдулла Чўлливевга тегишли бўлган иккита савдо дўконини ҳамда фуқаро Жуманазар Зиёқулов ва «Сурхон-Экспорт» МЧЖнинг мол-мулки ҳисобидан «Сурхон-Экспорт» МЧЖнинг кредит-қарздорлиги 45 миллион сўмни ва унга нисбатан ҳисобланган кредит фоизи — 12 миллион 712 минг сўмни, шунингдек, 6 миллион 785 минг 047 сўм пеня (қўшимча жарима)сини ҳисоблаган ҳолда, жами 64 миллион 497 минг 0,47 сўм маблағни АТ «Агробанк»нинг Ангор тумани филиали фойдасига ундириш хусусида ҳал қилув қарори чиқарди.

Халқимизда «етти ўлчаб, бир кес» деган мақол бор. Кимки чуқур ўйламай қарзга олинган давлат маблағини ўзининг шахсий мақсадлари йўлида совурса, юқорида баён этилган кўйга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Зеро, лафсизлик ҳеч кимга обрў келтирмайди.

Муҳаббат ЧОРИЕВА,
фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судининг судьяси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Фарзандим иккинчи гуруҳ ногирони. Айтинг-чи, уни имтиёзлардан фойдаланиб даволатишим мумкинми?



Д. ҚИЁМОВ,
Косон тумани

— Ҳа, бундай имтиёзга эгасиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан қуйидаги тоифадаги шахслар ана шундай имтиёзга эга:

1) болаликдан ногиронлар;
2) чин етимлар;
3) 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари;
4) 1941-1945 йиллар уруш қатнашчилари, ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар;
5) ёшга доир пенсияга чиққан ва ишламаётган фуқаролар;
6) 1941-1945 йилги меҳнат фронти қатнашчилари;
7) Чернобиль АЭС ҳалокатини бартараф этишда иштирок этганлар;
8) байналмилал жангчилар;
9) ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан моддий ёрдам олаётган кам таъминланган оила вакиллари.

— Айтинг-чи, қонунда ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланганми?

В. ТУРОПОВ,
Оқдарё тумани

— Жиноят кодексининг 229¹-моддасида ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу моддага асосан, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, агар худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилса, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Ва ушбу шахсга энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ жазоси тайинланади.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Maslahat

Солиқ қарзини тўлаш

у қандай амалга оширилади?

Солиқ кодексининг 54-моддасида солиқ қарзини тўлашни кечиктиришнинг ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг умумий шартлари ҳақида сўз юритилган. Ушбу моддага асосан, солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш вақтинчалик молиявий қийинчиликка эга бўлган корхоналарга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида тўлаш муддатини солиқ тўловчи қарз суммасини бир йўла ёки босқичма-босқич тўлаган ҳолда кейинроқ муддатга кўчиришдан иборатдир.

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан бир ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга берилади.

Охирги ҳисобот санасидаги ҳолатга кўра, жорий активлар суммасининг жами 20 фоизидан ортиқ миқдордаги қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда молиявий санкцияларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой ичида солиқ қарзи ойма-ой бўлиб тўланган ҳолда амалга оширилади.

Тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш солиқ қарзининг ҳаммасига ёки унинг бир қисмига нисбатан амалга оширилиши мумкин.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ҳисоблаш тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиш даври бошланишидан эътиборан тўхтатиб турилади.

қинғирлик



Табиийки, янги жойда иш бошлагач, О. Худойқулов бу ердан бўшатилиши керак. Лекин З. Ибрагимов «бағрикенглик» қилиб, уни ишда сақлаб қолади. Натижада умуман ишга келмаган О. Худойқулов учун 2010 йилнинг 1 июнига қадар иш ҳақи ёзилади. Бу эса бюджет маблағларидан 7 миллион 365 минг 865 сўм талон-торож этилишига сабаб бўлади.

Умуман айтганда, З. Ибрагимов, Т. Исматов ва И.Қудратов ўзаро тил бириктириб давлат бюджети маблағларидан жами 23 миллион 321 минг 767 сўмни талон-торож этишади.

Суд судланувчилар — З. Ибрагимов, Т. Исматовни Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди, 209-моддаси 1-қисми, И. Қудратовни Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди, 28, 209-моддаси 1-қисми билан айбли деб топди. Етказилган зарар тергов даврида судланувчилар томонидан тўлиқ қопланганлиги инобатга олинди. Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисмидаги **«Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди»** деган талабга асосан, суд З. Ибрагимов, Т. Исматов, И. Қудратовни муайян муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиб, уларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Шу ўринда жиноятга хайрихоҳ бўлган, ишламасалар-да, номларига иш ҳақи ёзилишига йўл берган шахслар ҳақида икки оғиз гап. Қизиқ, улар қинғирлик бир кунмас, бир кун очилишини, эл-юрт олдида юзшувут бўлиб қолишни ўйлашмагани кишини таажжубга солади. Жиноят ишининг уларга оид қисми суднинг 2010 йил 7 сентябрдаги ажрими билан Олий Мажлис Сенатининг 2010 йил 28 августдаги «Амнистия тўғрисида»ги қарорининг 7-бандига асосан ҳаракатдан тугатилди. Аммо улар қинғирликнинг қийиғи барибир чиқишини эътиборга олиши учун, бизнингча, етарлича сабоқ чиқаришди.

Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, бюджет маблағларини ўзлаштириш, охир-оқибат унинг ортидан келиб чиққан эл орасидаги бадномлик... Аслида ўзини англаган киши учун бундан ортиқ жазо йўқ. «Ножўя хатти-ҳаракат вақтинча омадлидай кўринса-да, аммо ҳеч қачон бахт ато этмайди», деган нақл нақадар топиб айтилганлигини яна бир карра ёдга солади.

Лутфулла МАМАРАЖАБОВ,
жиноят ишлари бўйича Арнасой тумани судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч – адолатда» мухбири

Jinoyatga jazo muqarrar

Гиёҳвандлик — аср вабоси

Бу ҳаётда сидқидилдан меҳнат қилган кишининг виждони тоза бўлади. Текинхўрликни ўзига касб қилиб олишдан уялмайдиган кимсалар эса «Олма пиш, оғзимга туш» қабилида яшайди, улар на жон койитишни, на фикрлашни исташади. Устига-устак, бундай тоифадагилар бирдан бой бўлиб кетмоқчи бўлиб, то пешонаси деворга тегмагунча шундай йўлларни излайверади.

Суд очерки

Кўза эса ҳар куни эмас, кунида синади. Яъни қонунга зид, ахлоқ-одобга хилоф иш тутган кимса, «Қилмишларимдан ҳеч ким хабар топмади, энди бундай ишларни яна давом эттирсам бўлаверади», деб ўйлаб қаттиқ адашади. Чунки, биринчидан, ҳалол йўл билан топилмаган бойлик барибир ҳеч кимга буюрмайди. Иккинчидан, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам барибир ошкор бўлади.

Сариосиёлик Абдуманнон Келдиёров (исм-фамилиялар шартли) ҳам дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган бир гуруҳ шахслар билан тил бириктириб, жиноятга қўл урганида қилмишларидан гўё ҳеч ким хабар топмайдигандек туюлган эди. Аммо унинг гиёҳвандлик воситалари контрабандаси билан шуғулланган тезда ошкор бўлиб қолди. Тезкор маълумотлар асосида ишга киришган ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари томонидан 2010 йил 10 март куни Абдуманнон Келдиёровнинг ҳовлиси кўздан кечирилганида ғўзапоя ғарами остига кўмиб қўйилган 24 та полиэтилен ўрамдаги «опий» ҳамда 1 та полиэтилен ўрамдаги «героин» гиёҳвандлик воситаси аниқланиб, ашёвий далил сифатида тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Mulohaza

Бахтли ҳаёт калити

Бу ҳаётда оиланинг мустаҳкамлиги, тинч-тотув ва барқарорлигини таъминлайдиган омиллар жуда кўп. Улар орасида тансиҳатликнинг ўрни, айниқса, катта. Бошқача айтганда, бахт ва саломатлик тушунчалари узвий боғлиқдир, бирисиз иккинчиси тўлиқ бўлмайди. Шу маънода саломатликни тенгсиз бойликка қиёслашлари бежиз эмас. Жисман тетик ва соғлом одамларнинг ишчанлик қобилияти юқори, руҳи баланд, ақл-идроки эса тиниқ бўлиши ҳаётда алалҳақчон исботини топган.

Мустақил Ўзбекистонимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар ҳаммага яхши маълум. Зеро, ҳар томонлама чиниққан, билимли, зукко баркамол авлодни камолга етказиш, порлоқ истиқболга шу тариқа пухта замин ҳозирлаш — пировард мақсадимиздир. Юртимизда баркамол авлодни вояга етказишнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари яратилган. Ўтган 2010 йилнинг **«Баркамол авлод йили»** деб эълон қилингани ва масаланинг моддий, маънавий ва ижтимоий жиҳатларини ўзида мужассам этган Давлат дастури қабул қилингани мамлакатимиз ўзи танлаган йўлдан дадил одимлаётганининг яна бир исботи бўлди.

Репродуктив саломатлик баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади, десак ўринли бўлади. Зеро, репродуктив саломатлик насл тозалигини таъминлаш, тиббий муолажа ва профилактик амалиётлар кўмагида бўлажак она ва унинг ҳомиласини соғлом қилиб тарбиялашдай долзарб тадбирлардан иборатдир. Ўрганишлар кейинги йилларда дунёга келаётган фарзандлар ва уларнинг оналари соғлиғи яхшиланганини кўрсатмоқда. Жумладан, туманимизда ҳам оналар ва болаларнинг асоратли ҳамда сурункали касалликларга чалиниши ёхуд бевақт нобуд бўлишидек оғир ҳолатларнинг сезиларли даражада камаяётгани қувонарлидир. Шундай бўлса-да, тиббий ва жисмоний жиҳатдан тўлиқ тайёр бўлмай туриб, оила қуриш ҳоллари ҳам баъзан учраб туради. Бу каби қусурларнинг салбий оқибати кўпинча оила қурилганидан, фарзанд туғилганидан сўнг ёки туғруқ арафасида юзага қалқиб чиқади.

Албатта, бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги **«Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳақида»**ги қарорига мувофиқ, эндиликда оила қуришга ҳозирланаётган ёшларни шифокор кўригидан ўтказиш бўйича бир пайтнинг ўзида ҳам аҳоли, ҳам тиббиёт муассасалари, ҳам хотин-қизлар ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. 2010 йилда никоҳи тўйдан олдин қайд этилмаган бир қатор оила мавжудлиги аниқланиб, улар ФҲДЁ бўлимининг йўлланмаси билан тиббий кўрикдан ўтказилди. Оила қуриш юзасидан тушган аризалар сони эса йил давомида 943 тани ташкил этди. Уларга тиббий кўрикдан ўтиш учун 1884 та йўлланма берилди.



Албатта, турмуш қуриш арафасида турган йигит-қизларнинг тиббий кўрикдан ўтишга бўлган қизиқиши юқори эканлиги уларнинг тиббий маданияти ошиб бораётганидан далолат беради. Аммо бу ҳали кифоя эмас. Замонавий тараққиёт аҳоли, айниқса, ёшларнинг тиббий-ҳуқуқий маданияти, онг-тафаккури янада юксак бўлишини тақозо этмоқда. Бинобарин, репродуктив саломатликни тикламай, расмий никоҳдан ўтмай туриб оила қуриш ёки фарзанд кўриш оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини одамлар янада чуқур ҳис қилмоғи керак. Бунда эса, тарғибот-ташвиқот ишларининг ўрни катта. Бундай тадбирларни ўтказишда аҳолининг ҳар бир қатлами ва тоифаси инобатга олинса, натижа янада самарали бўлади.

Санамжон ЖУМАНИЁЗОВА,
Шовот тумани ФҲДЁ бўлими мудираси

G'aroyib olam

Турфа тақдирлар

ГИППОКРАТНИ БИЛАСИЗМИ?

Эрамизгача бўлган 5-7-асрда қадимги Грецияда табобат билан деярли ҳамма шуғулланган. Агар бу ўлкадан Гиппократ чиқмаганида орол дунёга машҳур бўлмаслиги мумкин эди.

Гиппократнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар жуда кам. У оилада иккинчи фарзанд бўлиб дунёга келган. Фессал Лариссда дафн этилган. Унинг ота-онаси табаррук инсонлардан бўлган. Бу авлодда еттита Гиппократ етишиб чиққан. Бизга маълум бўлган табиб иккинчи Гиппократдир. У кўплаб мамлакатларга саёҳат қилгани сабабли шуҳрати ҳаётлигидаёқ дунёга таралган.

Машҳур табиб умрининг охирги йилларини Парижда ўтказган ва Демокрит билан бир йилда қазо қилган. Баъзи манбаларда у 83, айримларида эса 104 ёшида вафот этган, деб ёзилган. Сайёҳлар эрамиздан аввалги иккинчи асрдан буён унинг қабрини зиёрат қилиб туришади.

Гиппократдан қандай асарлар қолгани аниқланмаган. Чунки ўша даврдаги анъаналарга кўра, қўлёзмаларга имзо қўйилмаган. Қадимги грек табиблари тўплами Гиппократ вафотидан кўп йиллар ўтгач, эрамизгача бўлган учинчи асрда Қоҳира кутубхонасидан топилган. Искандар Зулқарнайн вориси Птолемей ҳар томонга чопарлар юбориб, муаллифи номаълум қўлёзмаларни йиғдирган. Улар орасида қадимги грек тилида битилган тиббиётга оид нодир қўлёзмалар ҳам бор эди. Кейинчалик улар жамланиб, «Гиппократлар мажмуаси» номи билан машҳур бўлади. Булар «Қасам», «Қонун», «Табиб ҳақида» ва «Ўгитлар»дир. Ушбу асарларда шифокорларнинг ахлоқий тарбияси ва уларга қўйиладиган талаблар, устозларнинг ҳурматини жойига қўйиш, бемор сирини сақлаш, хасталарни сидқидилдан даволаш ва ўз вазифасини беғараз адо этиш, номақбул ишларга қўл урмаслик ва юксак ахлоқий талабларга риоя қилиш ҳақида гапирилади.

Шифокорлар қасами қачон битилгани номаълум бўлса-да, асрлар давомида у элдан-элга, даврдан-даврга ўтиб келган. Баъзи тахминларга қараганда, у Гиппократгача ҳам мавжуд бўлган. Лекин қасам «Гиппократлар мажмуаси»дан олингани учун уни «Гиппократ қасами» дейиш одат тусига кириб қолган.

КИМ ҚАНДАЙ ЁЗАДИ?

Машҳур француз ёзувчиси Флобер эрталаб соат ўндан бошлаб ишга ўтирарди. У нонушта учун танаффус қилиб олиб, яна дарҳол ишини давом эттирарди. Кўпинча тушликдан сўнг бир-икки соат мизғиб оларди, аммо шундан сўнг эрталаб соат тўртларгача ишдан бош кўтармасди.

У худди шунақа пайтларда, тунги сокинликда, яшил абажур остидаги лампа базўр ёритиб турган кенг хонада унумлироқ ишларди.

х х х

Лев Толстой эса жуда эрта турган. Сўнг бир ярим соат боғ-далаларни айланган. Сайрдан қайтгач, иш столига ўтирган. Дам олиш дақиқаларида тош кўтарган, бошқа жисмоний машқларни бажарган. Агар шерик топилса, бирикки партия шахмат ўйнаган.

У тинимсиз ижод қилганига қарамай, умрининг сўнгги кунларигача иш қобилиятини сақлаб қолган. Бунинг боиси, Лев Николаевич қатъий кун тартибига риоя қилган, кескин ақлий меҳнатни фаол дам олиш билан алмаштириб турган.

ИСИТМАСИ ОШКОР ҚИЛАДИ

Хитой ва Ҳиндистонда жиноятда шубҳаланаётган шахсга гуруч унини чайнаб, сўнг туфлаб ташлаш буюрилган. Агар у бу ишни ҳеч бир қийналмай бажарса, гуноҳсиз ҳисобланган. Бунинг маъноси — оғиз бўшлиғи қуруқ эмас, демак, у ҳаяжонланмаяпти, деган хулосадир. Арабистонлик бадавийлар эса шу мақсадда қизиб турган темирни ялашга мажбур этганлар. Агар оғизда сўлак бўлса, тил куймайди.

Африка қабилаларидан бирининг сардори бошқа усулни қўллаган. У ҳаяжонланаётган одамнинг қўллари қалтирашига, шу боис нозик ишларни уддалай олмаслигига эътибор қилган. Қизни зўрлашда гумон қилинаётганларнинг қўлларига биттадан қуш тухуми берishган. Жабрдийдани кўрган заҳоти гуноҳкорнинг қўли беихтиёр қисилиб, тухум ерга оқиб тушган.

Юлий Цезар эса ўз навкарларини қуйидагича синаган: атай уюштирилган ваҳимадан кимнинг юзига қизиллик югурса, демак, у кўрқмас, оқариб кетса, қўрқоқ ҳисобланган.

Буюк мутафаккир ва табиб Ибн Сино бир куни ўсмирнинг номаълум касалини аниқлаш мақсадида томирини ушлаб кўради. Табиб шу ҳолатда қизларнинг исмини айта бошлайди. «Ширин» деган исм тилга олинганда йигитнинг томир уриши тезлашиб кетади. Шундан кейин Ибн Сино ҳаяжонга сабаб бўлган манзилгоҳни аниқлаб, шифо сифатида тўй қилишни тавсия қилади.

(Давоми бор)

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашга оид қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда,

Сиз — тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратураларининг қуйидаги «Ишонч телефони» рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин («007» қисқа рақамига қўнғироқ фақат туман ва шаҳар АТС рақамларидан амалга оширилади).

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари	
1	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371	232-43-91 232-45-40
2	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДАКҚК Департаменти	Код: 8371	233-84-20
3	Андижон вилояти прокуратураси	Код: 8374	224-06-09
4	Бухоро вилояти прокуратураси	Код: 8365	223-74-79
5	Жиззах вилояти прокуратураси	Код: 8372	226-09-62
6	Қашқадарё вилояти прокуратураси	Код: 8375	221-07-82
7	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361	222-26-39
8	Навоий вилояти прокуратураси	Код: 8436	225-07-17
9	Наманган вилояти прокуратураси	Код: 8369	226-23-02
10	Самарқанд вилояти прокуратураси	Код: 8366	235-07-34
11	Сирдарё вилояти прокуратураси	Код: 8367	223-38-22
12	Сурхондарё вилояти прокуратураси	Код: 8376	223-20-36
13	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371	273-74-81
14	Тошкент вилояти прокуратураси	Код: 8371	277-76-18
15	Фарғона вилояти прокуратураси	Код: 8373	224-04-80
16	Хоразм вилояти прокуратураси	Код: 8362	227-45-71

Бундан ташқари барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари, фуқароларнинг кундалик қабули навбатчилик асосида тўхтовсиз ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ

Bag`rikenglik tamoyillari

Вояга етмаганлар муҳофазаси

бу борада алоҳида ҳуқуқий мезонлар белгиланган

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2009 йил давомида жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти туман ва шаҳар судларида 46 та иш бўйича 71 нафар вояга етмаган шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич сезиларли даражада камайди. Яъни 29 та иш бўйича 42 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилди. Ёки 2009 йилда 43 нафар шахсга нисбатан 26 та, 2010 йилда эса 20 нафар шахсга нисбатан 16 та иш ҳаракатдан тугатилган.

Мисол учун ака-ука Фарҳод ва Фурқат Темиров ҳамда вояга етмаган Ҳайдаржон Султонов Навоий шаҳридаги Галаба шоҳ кўчаси 137-уйнинг олдида суҳбатлашиб турishганда йўлакдан ўтиб кетаётган Н.Исҳоқов мастлиги туфайли Фурқатга туртиниб кетади. Бундан жаҳли чиққан Фарҳод Н.Исҳоқовни уриб-дўппослашга тушади. Унга вояга етмаган Х.Султонов ҳам қўшилади. Натижада судга оид тиббий экспертизанинг хулосасидан маълум бўлишича, жабрланувчига енгил тан жароҳати етади.

Судланувчилар олдиндан талончилик қилишга ўзаро тил бириктиришмаган, балки безориликни оддий иштирокчилик шаклида давом этиришган. Яъни Фарҳод Н.Исҳоқовнинг чўнтагидан нархи 350 минг сўмлик уяли телефон аппаратини ва 20 минг сўм пулини олиб қўяди. Судланувчи Х.Султонов эса бунга қаршилик қилмайди, аксинча, улар воқеа жойидан биргаликда яширинишади.

Биринчи босқич суди судланувчи Ф.Темировга нисбатан жазо тури ва муддатини тайинлашда унинг қилмишидан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, зарарни тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги, яшаш ва ўқиш жойидан ижобий тавсифномага эгалигини, жиноятни жабрланувчининг ғайриқонуний хулқ-атвори таъсирида содир қилганлигини ҳисобга олди. Ф.Темиров Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми «б» банди, 166-моддаси 1-қисми билан айбли топилиб, уч йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинди. Жазони манзил колонияларида ўташ белгиланди. Суд Ф.Темировга тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган хулосага келиб, унга Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан шартли ҳукм қўллади.

Энди судланувчи вояга етмаган Х.Султонов масаласига тўхталамиз. Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги **«Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги 21-сонли қарорининг раҳбарий тушунтиришларига асосланган суд Х.Султоновнинг ўқиш жойидан ижобий тавсифномага эгалиги, жиноятда иштирокчилик ҳаракатини ҳисобга олиб, унга нисбатан жазо қўлламасдан туриб ҳам хулқини тузатиш мумкин, деган хулосага келди. Натижада Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми «б» банди, 166-моддаси 1-қисми билан айбли топилган Х.Султонов Жиноят кодексининг 87-моддаси иккинчи қисмига асосан жазодан озод этилди. Х.Султоновга жабрланувчи яшайдиган «Матонат» маҳалла фуқаролар йиғини мажлисида Н.Исҳоқовдан узр сўраш мажбурияти юклатилди.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, қонунларимиздаги вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган меъёрлар келажаги олдинда турган бир ўспиринга мадад бўлди. Бундан кейин у қадамини ўйлаб босиши керак. Ўқиш ва жамоат жойларида юришуриш қоидаларига, жамиятимизда шаклланган одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилиши лозим.

Юртимизда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш масаласи доимий эътиборда турибди. Бу борадаги зарурий ҳуқуқий механизмлар тобора кучайтирилмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Сенати томонидан 2010 йил 28 августда маъқулланган **«Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»**ги қонун вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан бирга амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими муносабатларини тартибга солишга йўналтирилганлиги билан қимматлидир.

Бир сўз билан айтганда, вояга етмаганлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид мезонлар ва амалиётга жорий этилаётган ҳуқуқий ҳужжатлар келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг эртанги куни янада порлоқ бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Насриддин ДАМИНОВ,
жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти судининг раиси

Jinoyatga jazo muqarrar

Гиёҳвандлик — аср вабоси

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Сурхондарё вилояти ИИБ ЭКБ мутахассисларининг 93-сонли суд-кимёвий экспертизаси хулосасига кўра, фуқаро А.Келдиёровнинг уйидан топилган «опий» гиёҳвандлик воситаси 42,5 килограмм, «героин» гиёҳвандлик воситаси эса 2 килограммни ташкил этади.

Бу нафс ўти кўзларини кўр қилган кимса ҳовлисига яшириб қўйиб, қулай пайт келди дегунча пуллашни ният қилган ушбу заҳри қотил қанчадан-қанча одамнинг осуда ҳаётини остин-устун қилиб юборишини билмасмиди? Ахир, бундай заҳарли моддаларнинг зарраси ҳам инсон организмига жиддий хавф солиши аллақачон исботланган-ку!. Шунга қарамай, А.Келдиёровнинг ўз ўрнини нафсга бўшатиб берган виждони, манфаатга қул бўлган эътиқоди уни нопок йўлга бошлади.

Судланувчилар — Нарзи Мирзаев билан Неъматилла Юсуфалиевнинг қилмишлари ҳам уникидан қолишмайди.

Жиноят иши материалларига кўра, 2009 йилнинг август ойи охирларида Н.Юсуфалиев Н.Мирзаевнинг олдига бир «таклиф» билан келади. Унинг айтишига қараганда, қўшни юртлик таниши Исмоил Тошкентдаги жиноий шерикларида сақланаётган 10 кг «героин» гиёҳвандлик воситасига харидор излаётган бўлиб, у, яъни Н.Мирзаев бу ишда ёрдам берса, «ҳақ»ини олиши мумкин эди. Юқорида ҳам таъкидлаганимиздай, соғлом фикр эгасининг виждони нафақат ўзига, балки бошқаларга зарар етказадиган ишга қўл уришга изн бермайди. Аммо Н.Мирзаев ўйлаб ҳам ўтирмай нопок бўлса-да, мўмай даромад орттириш йўлини танлади.

Хуллас, Н.Мирзаев Исмоилнинг Тошкент шаҳридаги жиноий шерикларида аллада азиз, тўрвада майиз бўлиб сақланаётган 10 кг «героин» гиёҳвандлик воситаси ҳақида таниши Гулчеҳра Шаматовани хабардор қилади. Г.Шаматова қулай пайт келиши билан қўнғироқ қилишга ваъда беради. Дарҳақиқат, орадан кўп ўтмай, Г.Шаматова Н.Мирзаевга қўнғироқ қилиб, «юк»ни олмоқчи эканлигини билдиради. Ўз навбатида Н.Мирзаев Исмоил билан боғланади. Гапнинг қисқаси, Исмоил Г.Шаматовага 5 кг миқдоридаги гиёҳвандлик моддасини 30 000 АҚШ долларига ҳисоблаб, насияга бераётган пайтда қўлга олинади.

2010 йил 17 сентябр куни жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди биносида А.Келдиёров, Н.Мирзаев, Н.Юсуфалиев ва Г.Шаматовага оид жиноят иши кўриб чиқилди. Улар ўзлари содир этган жиноятга яраша жазо олишди.

Ҳа, бу ҳаётда ҳар бир киши экканини ўриши тайин. Яхшиликни кўнглига туккан, шу истак йўлида азму қарор қилган киши хайрли натижаларга эришмоғи аниқ. Аксинча, текинхўрликни касб қилиб, инсон номига номуносиб яшаётган кимсалар ҳеч қачон қонун таъқибидан қочиб қутулолмайди. Шоир бежиз «Ҳикмат излаганга ҳикматдур дунё, Ғурбат излаганга ғурбатдур дунё», деб ёзмайди. Кўнглимизга эзгу ниятни тугиб, тилимизда фақат эзгуликдан гапирсак, ишимизда ҳам эзгуликни мезон қилиб олсак, шубҳасиз, умримиз мазмунли, хотиржам кечади.

Суннатилла ХОЛМАТОВ,
жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судининг судьяси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Кодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-218. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 8865. 1 2 3 4 5 Топширилди: 22⁰⁰